

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 89-ҳадис

89-البُخَارِيُّ: عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَفَعَهُ: مَنْ أَفْطَرَ يَوْمًا مِنْ رَمَضَانَ، مِنْ غَيْرِ عِلَّةٍ وَلَا مَرَضٍ.. لَمْ يَقْضِهِ
صِيَامُ الدَّهْرِ وَإِنْ صَامَهُ وَبِهِ قَالَ ابْنُ مَسْعُودٍ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, у киши «Ким Рамазоннинг бир кунлик рўзасини ҳеч қандай узр ва касаллиги бўлмади туриб тутмаса, бир умрлик рўза ҳам унинг ўрнига ўтмайди, агар уни тута олса», деган ҳадисни марфуъ қилган. Буни Ибн Масъуд розияллоху анҳу ҳам айтган.

Изоҳ: Марфуъ – ҳадис турларининг бири. «Марфуъ қилди» дегани «марфуъ шаклда ривоят қилди» деганидир. «Марфуъ» сўзи луғатда «баладлатди», «кўтарди» деган маънони англатади. Ҳадис илми истилоҳида эса шахсан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга нисбат бериб нақл қилинган ҳадис «марфуъ ҳадис» дейилади. Унинг муқобили «мавқуф ҳадис» бўлиб, асл мазмуни ҳадисга бориб тақалса-да, саҳобий уни Набий соллаллоху алайҳи васалламга нисбат бермай, ўз номидан айтса ёки бажарса, бундай ҳадис «мавқуф ҳадис» дейилади.

Мазкур ҳадиснинг Абу Ҳурайра розияллоху анҳу томонидан марфуъ шаклда қилинган ривояти Бухорийнинг шартларига тушмагани учун муаллиф уни бироз ноаниқликни англатувчи «ривоят қилинишича» деган ибора билан бошлаб, таълиқотда келтирган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

